

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 июль, жума № 138—139 (634).

Сотувада эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ БЕШ ТАМОЙИЛИ УЧИНЧИ ТАМОЙИЛ: ҚОНУНЛАРИНИНГ УСТИВОРЛИГИ.

Демократик нўл билан қабул этилган янги Конституция ва қонуиларни истисносиз ҳамма фуқаролар ҳурмат қилишга ва уларга риоя этишга мажбурдирлар.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ УШБУ СОНИ АНА ШУ МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНАДИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ЙИҒИЛИШ



СУРАТДА: учрашув пайти.

А. ЗУФАРОВ олган сурат. (ЎзА).

15 июль куни Вазирлар Маҳкамасида республика олий ўқув юртлиги талаба қабул қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди.

Президент Ислам Каримов йиғилишни очиб, Ватанимиз мустақиллигининг иккинчи йилги арафасида олий ўқув

юртларига талаба қабул қилиш муҳим тадбир экани ва шу билан боғлиқ муаммолар ҳусусида гапирди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев абитуриентларни тест усулида танлаб олиш ҳақида, абитуриентларни танлаш

марказининг директори М. Қурбонов тест синовларини ташкил этиш тўғрисида маъруза қилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан мутасадди вазирликларнинг раҳбарлари, республика университет ва институтларининг ректорлари,

вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари сўзга чиқдилар.

Йиғилишда республика Бош вазир А. Муталов, Президентининг давлат маслаҳатчилари С. Санжидасов, Т. Рисканов катнашди.

(ЎзА).

МАЛИКА АННА ЗОТИ ОЛИЯЛАРИ

Англия қироличаси Елизавета билан Герцог Эдинбургнинг қиз малика Анна 1950 йил 15 августда Кларенсхаусда туғилган. Англия ва Францияда таълим олган. 1987 йил июнида қиролича унга малика мансабининг берган. 18 ёшга етган, малика Анна жамоат фаолияти билан шуғуллана бошлади. У 1969 йил майдаги Австрия ташрифидан бошлаб қиролича билан Герцог Эдинбургнинг давлат ташрифлари вақтида уларга ҳамроҳлик ҳам қила бошлади.

Малика Анна 1981 йилдан бундан Лондон университетининг



фахрий ректоридир. У бошларга аталган жағмагармнинг президенти лавозимига Африка, Яқин Шарқ мамлакатлари, Непал, Покистон, Бангладеш ва Ҳиндистон бўйлаб бир неча бор сафар қилди.

Малика Анна бир қатор хайрия ташкилотларига ҳомийлик ҳам қилмоқда, қиролича гузарларнинг полковники унвонини олган.

Малика Анна от спорти билан шуғулланади, 1976 йилда Буюк Британия тарма командаси таркибига Монреалдаги олимпиада ўйинларида катнашди.

1986 йилнинг декабрида у халқаро чавандозлар федерациясининг президенти лавозимига сайланди. 1988 йилдан 1993 йилгача Британия Олимпиада уюшмасининг президенти бўлди, 1993 йилда халқаро Олимпиада комитетига сайланди.

Малика Анна Буюк Британия ҳарбий деңиз флотининг офицери командор Тимоти Лоренсга турмушга чиққан, икки фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот шўъбаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Уй-жойларни хусусийлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш шартларида республика коммунал хизматлари ишнинг такомиллаштирилиш, кўрсатилган коммунал хизматлар сифати учун маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг роли ва масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига айлантирилсин.

2. Вилоят уй-жой-коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги уй-жой-коммунал хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари, «Ўзсувоқова», «Ўзиссиққилич», «Ўзтаъмиркурилиш» ва «Ўзбекгаз» республика ишлаб чиқариш бирлашмаларининг виллоят бўлиналари негизда ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари ташкил этилсин.

Белгиланган қўйилсинки, ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Ком-

мунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва тегишли ҳудуд ҳокимияти тасарруфига бўлади. «Ўзсувоқова», «Ўзтаъмиркурилиш», «Ўзиссиққилич-манба» ва «Ўзбекгаз» республика ишлаб чиқариш бирлашмалари тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат вазирлигининг маҳаллий ҳокимияти таркибига тегишли бош бошқармалар ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Уй-жой-коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳуқуқий вориси ҳисоблансин ҳамда қуйидагилар вазирлик фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари аниқ белгилансин:

республикада уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг бут ҳолда сақланишини таъминлаш, коммунал хизмат кўрсатишнинг ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш; республика шаҳарлари, шаҳарчалари ва туман марказларида аҳолининг ижтимоий-маиший соҳа корхоналари ва бошқа истеъмолчиларнинг коммунал хизматларига, кишлоқ жойларда esa

коммунал газ таъминотида бўлган эҳтиёжнинг янада тўлароқ қондириш учун коммунал хўжалигини ривожлантириш концепцияларини, истиқболли дастурларини ва мундарижаларини ишлаб чиқиш;

тармоқда ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш, коммунал корхоналарни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш масалаларида бошқа давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва ёйиш; муҳандислик (сув қузури, канализация, иссиқлик ва газ) тармоқлари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва сақлаш масалаларининг узвий ҳал этилишини таъминлаш;

бозор муносабатларига ўтишда вазирлик таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларни акционерлик, жамоат, ижара ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бошқариш-боқич айлантиришда уларга кўмаклашиш.

4. 1994 йилнинг 1 январига мўлқ эгалари билан

уй-жойларни ижарага олувчилар ва коммунал-фойдаланиш ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни ҳисоб-китобларнинг шартномавий тизимига ўтказиш зарур деб ҳисоблансин.

Аҳолининг кам таъминланган табақаларини ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутган ҳолда, уларга давлат дотацияларининг аста-секин, босқичма-босқич намайитирилишини инобатга олиб, уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва коммунал хизматларга давлат томонидан берилган бундай маблағлар сақлаб қолиниши.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва унинг сақлаш учун ҳисоб-китобларнинг шартномавий тизимини жорий этиш масалаларига доир қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини Тошкент шаҳри, 1993 йил 15 июль.

И. КАРИМОВ.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИСИ — БАРЧА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГЛИГИ, КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРНИНГ УСТУНЛИГИ ТАЪМИНЛАНИШИДИР. КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРНИНГ УСТУНЛИГИ ПРИНЦИПИ ШУНИ АНГЛАТАДИКИ, БУНДА БАРЧА ЖОРИЙ ҚОНУНЛАР ВА МЕЪРИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАР КОНСТИТУЦИЯ АСОСИДА ВА УНГА МУВОФИҚ БУЛИШИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ. УЛУГ БОБОҚА-ЛОНИМИЗ АМИР ТЕМУР АЙТАНЛАРИДА: «ҚАЕРДА ҚОНУН ҲУҚМОНЛИК ҚИЛСА, ШУ ЕРДА ЭРКИНЛИК БУЛАДИ».

Ислом КАРИМОВ.

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Асосий қонуниimiz Конституциянинг 15-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуиларининг устунлиги сўзсиз таи олинади».

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонуиларга мувофиқ иш қурадилар».

16-моддада эса: «Мазкур Конституциянинг бирорта қондаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас».

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қондларига зид келиши мумкин эмас» — дейилган.

Конституцияимиз қондларда ҳуқуқий давлатнинг умумтомондан тан олинган фундаментал нормалари ўз аксини топган. Биз Бош қотиб кутки ёки Марказқўм фармойиши асосий йўриқ бўлган даврдан воз кечдик. Энди жамиятини Конституция, қонун ва уларга асосланган давлат тузилмалари бошқармоқда. Қонунчилик ва бутун ҳуқуқий тизим мамлакатимизнинг Асосий қонунини билан боғлиқ.

Конституция ва қонунлар алоҳида партиялар ва ҳаракатларга эмас, бутун халққа хизмат қилади. Шу боис ислохотлар бошидаёқ Ўзбекистонда ҳуқуқий тизимнинг чўққиси ва ўзаги бўлиши Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга жуда катта эътибор берилди. Халқимизнинг кўп асрлик орузи бўлган давлат мустақиллиги ва Асосий қонун рўёга чиқди.

Олий Кенгаш томонидан Конституцияни қабул қилиниши халқимиз жуда катта хурсандлик билан кутган оиди. Ўзбекистон Конституцияси қабул қилингандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ҳам қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар ҳуқуқий демократик давлат қурилишининг конституциявий асосларини белгилаб берди.

Мабодо давлат тузилмалари Конституция ва қонуиларга амал қилмаса, у билан ҳисобламаса ҳеч қачон ҳуқуқий давлат барпо этиб бўлмайди. Энг яхши қонуилар ҳам агар улар қўлланилмаса яхши тавсия даражасидан нарига ўтмайди. Англиялик файласуф Томас Гоббс шундай деган эди: «Ҳокимиятнинг обрўи ҳокимиятдир». Ҳокимиятнинг кучи, обрўи ҳокимият ва қонуннинг биргаликда, самарали фаолиятига боғлиқ.

Ўзбекистон Президентини И. А. Каримов Олий Кенгаш XII-сессиясида бунда «Конституция алоҳида муҳофазат қилинади» деб таъкидлади. Конституцияга асосланган ҳокимият Конституцияни ҳимоя қилади.

Президент И. А. Каримов қонунчилик ва унинг қўлланилишига биринчи даражада иш сифатида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беэсоси раҳбарлигида ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Президент қонунларни тайёрлаш ва имзолашга юқори даражадаги талабчанлик билан ёндашди. Натижада ҳар бир қонун пухта пиширилиб, унинг амалдаги ҳаракати таъминланган. Президентимиз фармонлари чиқари-

лишдан олдин ҳар гал пухта ҳуқуқий текширувдан ўтказилади.

Ўзбекистон Президентининг эълон қилган тамойилларидан бири қонун кучини олий даражада тан олиш ва унга бўйсунушдан иборат. И. А. Каримов «Комсомольская правда» газетасига берган интервьюсида унинг асосий таянчи «қонуиларни ҳурмат қилиш, унга бўйсунуш» аниқлигини алоҳида таъкидлаб «Хўш айтишини, қаерда ва қай ўринда бизнинг қонуиларимиз нотўғри ёки халққаро демократик нормаларга жавоб бермайди?» — деб айтди.

Ўзбекистон Президентини кучли ижроия ҳокимият таърифлари, аммо у абсолютлаштириш ва бўяб-бежашга қарши. У, муаммоларни ақлдор ва мувозанатли сақлаш ҳолда ечилиши ёқлайди. И. А. Каримов юқоридаги суҳбатда шундай деган эди: «Тарихнинг муайян давларида ҳуқуқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса, бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимият зарур.

Қон тўқилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорлигини сақлаш учун шундай бўлиши зарур, бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман».

Сўнгги йилларда айрим журналистлар ижроия ҳокимиятини «авторитар», «тоталитар» баъзида эса «диктатура» шаклида талқин қилишди. Бу эса соғлом ид-роққа эътибор. Конституция ва қонуиларга таянган кучли ижроия ҳокимияти табиийдир. Халққа уни ҳимоя қиладиган ва унинг ман-

фаатларини ифода этадиган кучли ҳокимият зарур. Одамларни кучли ҳокимият эмас, аксинча раҳбарлигини суниёт-мол қилиш, ўзбошимчилик, ваколатсизлик кўпроқ ташвишга солади. Ҳокимиятларни бўлиш, ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, улар ўртасида мувозанатли сақлаш, ҳокимиятнинг нормал ишлашига асосий кафолатдир.

Ўзбекистонда умумхалқ томонидан сайланган Президент ўз фаолиятида халқ ва мамлакат бирлиги рамзи бўлиб турибди. У парламентга ва қабул қилинаётган қарорларга доим ҳурмат билан муносабатда бўлмоқда. Парламент ҳам Президент йўли ва сиёсатини тўла-тўқис маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқда.

Ҳокимият бўғинлари Конституцияда белгилаб қўйилган ваколатлари доирасида, Конституция иродасини юқори сиёсий ва ҳуқуқий маданият билан бажармоқдалар.

Ҳокимият бўғинлари ўртасидаги бундай нормал иш жараёнлари баъзи бир «демократ»лар тасаввурига сиймайпти. Улар демократияни бир-бирларини айбонлаш, асаб торларини эголлайдиган танқид, бошбашдоқлик деб тушуномқдалар. Ўзбекистон учун бу йўл аллақачон босиб ўтилган манзил ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтиш бир-бирларини, миллатлараро қаторлиқни талаб қилади.

(Давоми 2-бетда).



Зафаробод тумани ички ишлар бўлими ДАИ кизмати бошлиги Мамадулло Шеркуловни нафақат кизматдошлари, балки туман аҳолиси ҳам ҳушёрлиги, ғамхўрлиги ҳамда тақдирпарварлиги учун ҳурмат қилишди. Миллиция қодими учун эса одамларнинг ишончидан ортиқ юксак мунофот бўлмаса керак.

СУРАТДА: миллиция катта лейтенанти М. Шеркулов шоғирди, миллиция сержанти Н. Мирзабекова ўз таърибисидан сўзлаб бермоқда.

Ш. ИБРОХИМОВ олган сурат.

15.58 Маҳомининг буюк цирк
лари.

17.00—19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

19.23 «...Мен яхши кўраман»... Владимир Высоцкий
канча ҳунарни соғинади.

20.30 35-ЭҶ клуби чилишти
ради. «Сариғ сувести и
маски».

21.00 Турнир телевидение
Хаварлар.

31.20 «Юлдузлар билан су
ҳбат».

21.35 Спорт нурсати.

21.30 Ташкирий фильмлар икинчи
тасвир. «Йоғда қиңан бағир
тир» (1984).

31.15 «А» прогнамаси.

RICHMOND



RICHMOND



AMERICAN
BLEND

Бизнинг Ўзбекистондаги савдо агентларимиз: "Мунис ЛТД",
"Хесо ЛТД" фирмалари ҳамда "Фриа" фирмаси.

Тўлиқ маълумотларни қуйидаги манзилдан
олишингиз мумкин: Тошкент,
Катта Миробод кўчаси, 158 (Ивлев, 67),
Табани групп оф компаниз.

Телефонлар: (3712) 32-35-53,
54-06-70,
54-07-98,
55-35-49
Факс: (3712) 54-08-30
Телекс: 116416 TBANI, SU.

Бошқарувчи Аббосхон

МАЪРИФАТ КОШОНАСИ

(«ТУРОН» КУТУБХОНАСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ ВИЛАН)

Агар ҳурматли мушаррийлар ёнда бўлса, Абдулла Қодирийнинг машҳур ҳажми қайҳамон Калвак Маҳзум Калом шарифини эфират эмас, истағиди Маҳсуд дўзлик маҳалласиди «ойнабандлик икки қанот эшиги» бор «кўп олий ғиштин фабрика» боради. Маҳзум эшикларнинг бирдан ирганда, «атроф ва жаҳон» «давак-давак катта суратлар» осмилги, «бир мўла селлалик ва селласиз одамлар» «туппа-туп» ўрис кўрсига ўтириб газнет» ўқитган, товаракка эса «амойи турлик китоблар уюб» ташланган экан...

Калвак Маҳзум тиловат-хона деб ўйлаган бу хона айниқса 20-йилларда ўзбек эътилоқларнинг қадимийи бўлган «Турон» кутубхонасининг қиратхонаси эди.

«Турон» 1911 йилда Тошкент жадиждари томонидан тузилган, ўз олдига маориф ва маданиятни ривожлантириш орқали халқнинг миллий онгини ошириш ҳамда шу йўл билан келажакда миллий мустақилликка эришиш асосини қўйган жамият эди. 1913 йилда шу жамият қосида Абдулла Авлоний бошчилигида театр труппаси ташкил этилиб, у ўша даврдаги 25 нафар миллий санъат ва адабиёт қалдирғочларини ўз бағрига олди. Натижада ўзбек миллий театри туғилди. Ҳаёт бу труппа фаолиятининг кенг қанот ёзиши ва миллий драматургларнинг етишиб чиқишини тақозо этди. Аммо октябрь тўнгарининг содир бўлиши ва «Шўро ҳокимиятининг ўзбек эътилоқларини исканжа остига олиши, ҳали ҳам миллий истиқлол ғолибли билан яшашган кишиларни эса таъқиб эта бошлаши билан «Турон» жамияти атрофда уюшган жадиждар парчаланиб кетди. Авлоний бошлиқ бир гуруҳ жадиждар «Шўро ҳокимияти» тарафига ўтиб, «Турон» жамияти ихтиёрида ўзбек тилида яратилган саҳна асарларини тўллаб, бўлажак кутубхонага пойдевор қурди. Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермухамедовлар, Гулом Зафарий, Мўмин Муҳаммаджон (Тошқин) сингари ёзувчи ва журналистлар, Юсуф Алиев каби ношарлар хусусий жамғармаларидан бир ярим мингга яқин ноёб китобларни кутубхонага инъом этдилар. Шу тариқа 1918 йилда «Ту-

рон» кутубхонаси бунёд бўлди. Уша йилнинг бошларида РСФСР Миллий Халқ Комиссариати вакили сифатида Тошкентга бошқариш Ориф Клеблеев келган. Шўро ҳукумати сиёсатининг ўрта Осиёда сўзсиз амалга оширилиши таъминлаш учун келган бу зот Тошкентда катта нуфузга эга бўлган татар эътилоқлари томонидан «бик буюк — жулда катта дипломат» сифатида кутуб олинган. Туркистон жумҳурияти Мудова шабанининг «азоси» таъинланган О. Клеблеев айни пайтда 1918 йил июнида шу кунларда 75 йилда яшган Тошкентда «Иштироки» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасини ташкил этган ва унинг дастлабки муҳаррири бўлган. У фақат «Иштироки» билангина эмас, балки ўзбекистонда нашр этилган ва фирқа органи бўлган бошқа газеталарни ҳам таъсир доирасига олган. У ҳатто Самарқандда Октябрдан кейин илк дафъа чиқа бошлаган «Ўзбекистон» газетасида «Меҳнатқашлар ўқи» деб ном берган. (Кейинчалик бу газетани «Меҳнатқашлар товуши» номи билан нашр этилган).

Уша йилнинг 20 июлида Оренбург фронтдан келган Аҳмад Донской билан Вали Алломов «Иштироки» тахририятига ишга олинган. Бир ҳафтадан кейин О. Клеблеев муҳаррирлик ўрнига Донскойга ўтказилган, ўзи Иккиса томонга махсус тошқир билан борган ва ўша ерда касал бўлиб ўлган. Шўро ҳукуматининг ўрта Осиёга «кенг ҳуқуқлар» билан келган бу ишончли ва-

лончилар ҳам учраб туради. Бунга Зинаида Аъзамовна билан яна бир неча бор учрашганимизда ишонч ҳосил қилдим. Ташриф буюрувчиларнинг ишлари юзасидан унинг қаттиқ бандлигини кўриб, сўзлашганимизда имконият бўлмас эканда, деб турганимизда, унинг ўзи: «Келгин, иш жараёнида таллашаверсан, бўлмаса, кўриб туриб-сиз-ку...» деб қолди. Шунда мен касбдошларим бекорга уни юқори малакали мутахассис, деб таърифлашмаганимизга амин бўлдим. Ва етакчи муҳдорнинг аниқ ва тез ишлашига ҳар қандай кишини ҳам ҳайратга солиши турган гап. Айтайлик, биронта талабгорнинг олиб келган юмушини диққат билан кўриб чиқиб, қўшимча икки-учта саволлар бергач, муаммосини зумда ҳал қилиб бериш учун фақат яхши мутахассис бўлишининг ўзи камлик қилади. Ҳақиқий ўз касбининг устаси эса буни сифатли, ўзига озор етмайдиган қилиб тайёрлаб беради. Шунингдек, 3. Ўзробо-евнинг таърифишга шак солгани ҳам қийин. У бу ҳақда йилгирма йилдан буюн ишлаган бўлса, шунинг сўнги тўқчи йили давомидида худди шу муҳдорнинг идорасига бошчилиги қилиб келмоқда. Сифатли дар-жаюнда келсан, муҳдорлар-ни бекорга «харфдорлар» деб аташмайди. Ҳар бир ҳуж-

жатнинг биринчи ҳарфидан сўнги ҳарфигача синговлик билан текшириш сифат-лигининг бош шарти ҳисобланади. Чунки бунинг орти-да инсон тақдир — моддий ва маънавий ҳаёти ётади. Айримлар муҳдорлик идорасидошларнинг хизмати бор-йўн ҳужжатларини кўриб чиқиш нусха қўчиришдан иборат, деб ўйлашади. Мен эса муҳдорнинг ўзгалар-сини асровчи деб атаган бўлардим. Зеро, кишилар кўнглиларининг тубидоги сирларини ҳар кимга ҳам ишонаверишмайди. Зинаида Ўзробоева эса ана шундай ишончга сазовор бўлган ин-сонлардан. Хизмат юзасидан уни хонасида турли тоифа-даги одамлар билан мулоқот қилаётганида кузатишга ту-ри келди. Хона эгаси эса му-рожаат этганларнинг ҳамма-сини кўнглига йўл топа ола-ди. Бунинг унинг ўзи оддий инсонийлик ва хизмат бурчи деб билди. Шунинг учунми, хизматдошлари ҳам ундан қийин шароитларда масла-ҳатлар, йўл-йўриқлар сураб турганидан тортинишмайди. Бунинг устига бу ерда ҳу-қуқшунослик факультетининг талабалари назарий билимла-рини амалиётда мустаҳкам-лашмоқда. 3. Ўзробоева, Я. Каупиская, М. Тошполта-ва, Я. Забировна каби етакчи мутахассислардан эса улар кўп нарсаларни ўрганишлари мумкин...

Шу ўринда муҳдорлар-нинг иш шароити туғрисида

Абдулла акадан бу одам-нинг ким эканини сўрадим. «Чўлпон деган шоир шу киши бўлади», деди Аб-дулла. ака. Кейин қўшиб қўйди. «Истанбулда нашр этиладиган «Сарвати Фу-нун»ни олдилар. Зап яхши журнал-да!»

Юқорида тилга олинган 20 минг китобнинг 55 фойи-зи ўзбек, 25 фойизи ўзбек, қолган 20 фойизи эса турк, озарбайжон, татар ва бошқа Шарқ халқлари тилларига мансуб эди. Тўшунарлики, сўнгги гуруҳдаги китоблар орасида Туркияда чоп этилган китоб ва даврий нашрлар катта маъқени касб этиб, Чўлпон сингари кейинчалик пешонасига пан-туркист тамғаси бошилган эътилоқлар уларнинг бирорта ҳарфини ҳам қолдирмай, ўқиб чиқар эдилар. Афсу-сунки, Шўро ҳукуматининг туркий халқларни парчалаб ташлашга қаратилган сиёса-ти оқибатида Туркиядан олинган барча адабиёт 30-йилларда кулга айланти-рилди. Бу адабиёт билан бирга 1917 йилда қадар Ўз-бекистонда нашр этилган «Хуршид», «Тараққий», «Шўхрат», «Осиё», «Самар-қанд», «Нажот» сингари ўн-лаб газетани, «Ойна», «Кен-гаш», «Ислоҳ», «Дехқон» деган журналлар ҳам қўй-дилоб ташланди. 20 ва 30-йилларда кутубхона томо-нидан олинган турк, озар-байжон, татар, бошқирдир-ларидан 39 номдан иборат газетани ва 78 номдан иборат журналнинг аксарияти бо-шига ҳам шундай кун келди. Калвак Маҳзум кўзига ча-линган Исмоилбек Гаспирли, Жамолиддин Афғоний, Ри-зоддин ибн Фахриддин, Му-со Юсупов Бегий каби турк оламнинг машҳур уламо-лари расмлари ҳам 1927 йилдаёқ олиб ташланиб, улар ўрнига пролетар до-ҳийларнинг суратлари

«Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1929 йил сон-ларида эътилоқ қилинган ма-қолаларнинг биринчи бўлиб маълумотига дўх келмас: «Ичкилобдан сўз бутун ит-тифоқ доирасига чиқиб бу-тун газетани ва журналлар та-мом олинди тўлган. Ик-тимий ўзгаришнинг турли даврида, турли соҳада чи-қиб турган матбуотнинг кутубхонада тамоман тўп-лангани, бу бизнинг кел-гусимиз учун катта бой бир материал бўлиб, хусусан миллий-тарихий текшириш билан шуғулланувчи ўр-тоқларга жуда катта хиз-мат қилгусидир... Бутун турк жумҳуриятлари ва иттифоқ доирасида чи-қиб

бу даврий матбуотининг бир қўлда эҳтиётланиб тўп-лана бориши кутубхонанинг нақадар бойлигини очиб кўрсатадир».

Таассуфлар бўлсинки, бошқевиклар «Турон» ку-тубхонасига ҳам ўз чангалла-рини солдилар. 1928 йилда Октябрь райкоми кутубхона жамғармаси ва фаолиятини текшириб, 5 мингдан зиёд китобни диний деб топди ва ўтхонага ташлади. Кутуб-хона шу кундан бошлаб О. Клеблеев номидаги Мар-казий Октябрь кутубхонаси деб юритила бошлади. Ку-тубхонанинг хизматдан бў-шаган ё бошқа ишга ўтган ҳодимлари айби билан но-дир китоблар сони билан йилга қамайиб борди. Аммо шунга қарамай, маъ-рифатга қанқоқ кишилар «Турон» кутубхонаси ва қи-роатхонасига тобора кўп-роқ келиб, маънавий эҳти-ёқларини қондиришда давом этдилар. Миркам-Осим сингари ёзувчи ва олимлар эса умрларининг сўнгги кунларига қадар тинч икжодий ва илмий иш учун зарур шароитни шу маскандан топдилар.

Ҳозир «Турон» кутубхо-наси ихтиёрида 270 мингга яқин фан ва маданиятнинг турли соҳаларига оид кит-об ва даврий нашрлар мажму бўлиб, олий ўқув юрларининг талабалари, аспирантлари ва илмий хо-димлар улардан самарали фойдаланиб келмоқдалар. Бошқа кутубхоналарда ал-лақачон йўқолган газетани ва журнал ташламаларининг бу ерда борлиги, кутубхона хо-димларининг хизмат бурчи-ларига сийқидилан ёнда-шишлари тўғрисида «Турон» кутубхонаси маърифат ко-шонаси сифатида қалқини-ҳурмат ва эътиборини қо-зониб келмоқда.

Бу йил шу муборак ко-шонанинг ташкил этилган-га 75 йил бўлди. Турк ола-мининг машҳур олимлари-дан бири Чўлпонзода бир пайтлар «Турон» кутубхо-насидаги ноёб китоблар би-лан танишиб, «Кутубхона-нинг келажиги порлоқ, ун-да қимматбаҳо илмий-та-рихий ноидир асарлар бор», деб айтган эди. Агар респу-блика раҳбарияти маърифат қошонасига бундан кейин ҳам эътибор бериб, унга за-рур моддий ва маънавий ёрдам кўрсатса, «Турон» Марказий Осиёдаги энг ну-фузли, энг бой ва ўз анъа-наларига эга кутубхона си-фатида яшашда давом эта-ди. Қутул! 75 йилнинг му-борак бўлсин. «Турон»!

Навми КАРИМОВ.

Спорт • Спорт •

БИРИНЧИ ДАВРА ТУГАДИ

ҚАРШИДА шохмат бўйича Р. Гойишов хотира-сига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирнинг биринчи қисми якунида Самарқандлик халқаро минисдаги спорт устаси Тоҳир Воҳидов ва икки қарра Ўзбекистон чемпиони Олимпиада ва Осиё биринчилигининг кумуш медали соҳиби чирчи-лик Сайдали Ўзловшоев 5 партиядан сўнг тўрттадан очко жамғаришиб, пешқадамлик қилишди. Бу-хоролик Нодирхонов ва мусобақа мезбони Ражабов-да 3,5 тадан очко бор.

«Б» гуруҳда қатнашаётган шохматсеварлар тур-нири эса нўхосига етди. Бу мусобақа Швейцария услубида ўтказилди. Етти партиядан 6,5 очко жа-мғарган қашқадарлик шохматчи А. Жўраев ғолиб чиқди.

МДХ ҲИНОҒОҲЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОН, Украина, Россия, Литва, Қозо-ғистон, Қирғизистон, Белоруссия, Арманистон рес-публикаларининг жамоалари иштирокда кикбокс-инг бўйича МДХ-2 чемпионати якунида. Мусо-бақалар Гомел ва Ужгород шаҳарларида ўтказилди. Унда ҳамюртларимиз ҳам муваффақиятли қат-нашди. Айниқса, кикбоксининг «соло» тури бўйича совриндор спортчимиз — тошкентлик Р. Ғўзихонов «фул» бўйича ҳам маҳорат кўрса-тиб, ғолибли шохсупасига қўтарилди.

Жамоалар ўртасида «фул-контант» бўйича Қо-зғистон, «лайт-контант» бўйича Украина, «соло» бўйича Белоруссия спортчилари ғолиб чиқиди. Умуманмоа ҳисобида эса биринчи ўрин Россия кикбоксингчиларига насиб этди.

АМЕРИКА САРИ

АЙНИ кунларда бизнинг терма жамоаларимиз машғулотларга зўр берилаётган бўлса, халқаро майдондаги бўлгуси рақибларимиз жаҳон чемпи-онатининг саралаш учрашуварларида қатнашаётдилар. Осиё зонасининг барча гуруҳларида ғолиблар аниқ-ланди. Улар Япония, Саудия Арабистони, КХДР, Жанубий Корея, Ироқ ва Эрон футбол жамоа-ларидир. Энди бу олти терма жамоа келгуси йили АҚШда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг фи-нал қисмига бериладиган икки йўлланма учун ўз-аро кураш олиб боради. Турнир икки даврада, 1 ав-густдан 30 октябргача давом этади. Икки кунли жамоа эса жаҳон чемпионатида Осиё шарафини ҳимоя қилади.

ИККИ ҚИРҒОҚДА ҲАМ

ЭНДИЛИКДА кўпгина спорт турлари бўйича биз, яъни ўрта Осиё давлатлари халқаро майдонга Осиё орқали чиқадиган бўлсан, «Тошкентбўй» ва Навқаз давлатлари Европа орқали жаҳон майдон-ига чиқадилар. Қозғистончилар эса бу борада анча қўлдабурроқ чиқиб қолдиди. Улар ҳар қан-дай йўл билан илони борица эртароқ жаҳон май-донига чиқишга уринишляти. Масалан, фут-бол жамоалари Осиё конфедерациясига аъзо бўл-са, чим хоккейчилари Европа ўзанидан боришляти.

Айни кунда Қозғистон терма жамоаси чим ус-тида хоккей бўйича Европа ва Жаҳон чемпионати финал қисмида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш учун Россия, Белоруссия, Украина терма жамоа-лари билан ўзаро кураш турнирида қатнашилляти. Ҳозирча улар икки учрашудан икки очко тўллаб, Белорусдан кейин турнирда иккинчи ўринни эгал-лаб туришляти.

Р. ЖУМАЕВ.

Муҳдор ҳақида сўз

Пойтахтимиздаги 1-шаҳар муҳдорлик идораси ёнида навобатда турган юзга яқин кишига кўзим тушди. Бу ер-га ташриф буюрувчиларнинг қўлигидан таажжубландим. Ҳўш, бу нимани ағлазати? Аҳолининг ҳуқуқий мада-нияти ошаётганини ёки бо-зор иқтисодиёти даврида малакали ҳуқуқшунослик маслаҳатсиз оилада бирон-бир жиддий қадам ташла-маслигининг белгисини? Ёзингича, ҳар иккаласи ҳам бўлса керак. Оқибатда эса оғирлик кўпроқ бу идо-ра ходимларига тушадди, уларнинг юмуши қўпайган-дан-қўпаяди.

«Бир иш кунда кўпича юзга яқин ташриф буюру-чини қабул қилишга тўғри келади, — дейди етакчи муҳдор Зинаида Ўзробо-ева. — Бизга мурожаат қи-ладиганларнинг асосий қис-ми кўпроқ уй-йўл билан боғлиқ муаммолар бўйича ердан сураб келишади. Гар-чи идорамизда уш икки на-фар ходим фаолият кўрсат-са-да, иш вақти давомида ҳаммага бирдай хизмат кўр-сатиб улгуролмаганимиздан, бош-дан тушилиш билан сўн-ги соатларни бойлаганимизга мажбур бўлишимиз. Тўғри, бу оғирлик қилади, бунинг ус-тига талабдорларнинг ҳамма-си ҳам бирдай эмас. Кўп-чилигининг ёши бир жойга бориб қолган, баъзилари ёл-ғиз — ҳеч ким йўқ киши-лар ва ҳатто бесаёр-тўпо-

лончилар ҳам учраб тура-ди». Бунга Зинаида Аъзамовна билан яна бир неча бор уч-рашганимизда ишонч ҳосил қилдим. Ташриф буюрувчи-ларнинг ишлари юзасидан унинг қаттиқ бандлигини кўриб, сўзлашганимизда имконият бўлмас эканда, деб турганимизда, унинг ўзи: «Келгин, иш жараёнида таллашаверсан, бўлмаса, кўриб туриб-сиз-ку...» деб қолди. Шунда мен касбдошларим бекорга уни юқори малакали мутахассис, деб таърифлашмаганимизга амин бўлдим. Ва етакчи муҳдорнинг аниқ ва тез ишлашига ҳар қандай кишини ҳам ҳайратга соли-ши турган гап. Айтайлик, биронта талабгорнинг олиб келган юмушини диққат билан кўриб чиқиб, қўшимча икки-учта саволлар бергач, муаммосини зумда ҳал қи-либ бериш учун фақат яхши мутахассис бўлишининг ўзи камлик қилади. Ҳақиқий ўз касбининг устаси эса буни сифатли, ўзига озор етмайдиган қилиб тайёрлаб бера-ди. Шунингдек, 3. Ўзробо-евнинг таърифишга шак солгани ҳам қийин. У бу ҳақда йилгирма йилдан буюн ишлаган бўлса, шунинг сўнги тўқчи йили давомидида худди шу муҳдорнинг идорасига бошчилиги қилиб келмоқда. Сифатли дар-жаюнда келсан, муҳдорлар-ни бекорга «харфдорлар» деб аташмайди. Ҳар бир ҳуж-

жатнинг биринчи ҳарфидан сўнги ҳарфигача сингов-лик билан текшириш сифат-лигининг бош шарти ҳисоб-ланади. Чунки бунинг орти-да инсон тақдир — моддий ва маънавий ҳаёти ётади. Айримлар муҳдорлик идорасидошларнинг хизмати бор-йўн ҳужжатларини кўриб чиқиш нусха қўчиришдан иборат, деб ўйлашади. Мен эса муҳдорнинг ўзгалар-сини асровчи деб атаган бўлардим. Зеро, кишилар кўнглиларининг тубидоги сирларини ҳар кимга ҳам ишонаверишмайди. Зинаида Ўзробоева эса ана шундай ишончга сазовор бўлган ин-сонлардан. Хизмат юзасидан уни хонасида турли тоифа-даги одамлар билан мулоқот қилаётганида кузатишга ту-ри келди. Хона эгаси эса му-рожаат этганларнинг ҳамма-сини кўнглига йўл топа ола-ди. Бунинг унинг ўзи оддий инсонийлик ва хизмат бурчи деб билди. Шунинг учунми, хизматдошлари ҳам ундан қийин шароитларда масла-ҳатлар, йўл-йўриқлар сураб турганидан тортинишмайди. Бунинг устига бу ерда ҳу-қуқшунослик факультетининг талабалари назарий билимла-рини амалиётда мустаҳкам-лашмоқда. 3. Ўзробоева, Я. Каупиская, М. Тошполта-ва, Я. Забировна каби етакчи мутахассислардан эса улар кўп нарсаларни ўрганишлари мумкин...

Шу ўринда муҳдорлар-нинг иш шароити туғрисида

ҳам қисқача тўхталиб ўтма-сак, инсофдан бўлмас. Чун-ки муҳдорлик идоралари ҳам худди халқ судьялари каби ҳақон бийиқ ҳомааларда иш олиб бораётганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўл-майди. «Идорамиз ходимла-ри дастлабки фаолиятларини учта хонада бошлаган эди-лар, — деб эслайди З. Ўзробоева. — Энди эса би-роз эркинроқ ишлашга ша-роит туғилди. Жорий йилда шаҳар ҳокимияти идорамиз-нинг таъмир ишлари учун олти юз минг сўмдан кўпроқ маблағ ажратгани ишимизда яхши бўрилиш ясади. Энди-ликда ходимларимизнинг ксерокс, компьютерлар билан ишлашига имконият бор».

Бу айтилган гаплардан ортёб ҳозирча бирон нарс-а дейиш қийин. Бироқ шунга эслайди ўттиш юзюкки, бун-дан кейин муҳим ва керакли-дан ҳужжатларини расмийлаш-тириш учун муҳдорларни уй-га ҳам қақирши мумкин. Бу эса ўрнидан туролмайидган ва кеска кишилар учун ни-ҳоятда қўлай усул ҳисоблана-ди. Бунинг учун фақатгина хизмат ҳақи тўлаб турилса, бас. Худди шундай, давлат бюджетига ўтказилган хизмат ҳақи ўтган йили 60 миллион сўмини ташкил этган бўлса, шу йилнинг апрель ойидаги бу кўрсаткич уш беш милли-он сўмга етган. Бу — шу идора ходимларининг қай да-врада ишлаётганининг, уларга нисбатан одамлар ишончининг белгиси ҳисоб-ланса ажаб эмас...

Уроқ ҲАЙДАРОВ.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анивар ЖўРАБОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЙҚУЗНОВ, Эсирғаб БОЛИЕВ [масъул китоб, «Халқ сўзи»], Эркин ВОҲИ-
ДОВ, Мирнамал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Леа ПАК [бош муҳаррир
ўринбосари, «Народное слово»], Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлақмад РИЗАЕВ, Алек-
сандр ТЮРИКОВ [масъул китоб, «Народное слово»], Шаоват ЯҲЕВ, Пиримкул ҚОДИ-
РОВ, Мухаммаджон ҚОРАБОВ, Сандаҳрер ҒУЛОМОВ

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

ТЕЛЕФОНЛАР:

маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.



DAENA TRADE

Импорт учун: электр моллари, тўқич ёки тикув ма-шинналар, ил-газламалар, аёллар, эркаклар ва болалар кийимларини;

Экспорт учун: чарм маҳсулотлари — куртклар, сум-калар, тош қўтарувчилар учун белбоғлар, спорт молла-ри, футбол ва волейбол тўпла-ри, юқори сифатли чарм ва синтетик материаллардан тайёрланган қўлқоплар, турли қўйлақлар, спорт костюмларини тақлиф этади.

Биз турли соқилар, чўмилиш халатлари, аёлларнинг ялтироқ матолари (сунъий ва ил-газламалар), косметика (кнприк бўёқлар, кўз соялари, тирноқ учун лак ва бошқалар) ишлаб чиқариш бўйича мутахассисларимиз.

Бундан ташқари, «Голден Тиз» маркали цейлон чойла-рини, озиқ-овқат маҳсулотларини (манго, олма, банан ва бошқалар) ҳамда аудио-видеокассетлар ва идора буюм-ларини экспорт қиламиз.

Хурматли тижоратчилар, биз Ўзбекистонда қўшма корхона очиб бўйича Сизнинг ишончли ҳамкорингиз бў-лишга таййормиз.

МАНЗИЛИМИЗ:

шаҳар офиси: Д-26, Федерал Б Арна Карочи—
Покистон,
телефон: 877461, 619071, 680407, 442973,
факс: 810-9221-6642414 (045) АТТН.
Тошкентдаги телефонлар: 403883, 648845.

Марҳамат қилиб халқаро маркетинг бўйича дирек-тор Абдул Васим Хон билан боғлашимизга муш-на.

Ўзбекистон пайчиди тижорат саноат-курлиш банки жамоаси Сурхондарё бўлими бошлиғи М. Аширвога укаси

Зонир АШИРОВнинг бевақт вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъ-зия изҳор қилади.

Республика трикотаж буюмлар моделлари уйи жа-моаси директор З. Болтабовага турмуш ўртоғи Тошпўл ҚОРАБОВнинг вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия бил-диради.

Ўзбекистон давлат кимйи саноати концерни жамоаси концернининг котибнат кимйи К. Сулаймонова отаси Турғунбой МУЛЛАБОВЕВнинг вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир
Х. Сатторов, набатчи
И. Худоев.